

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАВШАНОВА ГУЛАРА ПАЯНОВНА

**ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ
ЎРНАТИЛИШИ ВА УНГА ҚАРШИ ҚУРОЛЛИ ҲАРАКАТ
(1920-1930 йиллар)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Равшанова Гулара Паяновна

Қашқадарё воҳасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши
қуролли ҳаракат (1920-1930 йиллар)..... 5

Равшанова Гулара Паяновна

Установление советской власти в Кашкадарьинском оазисе и вооруженные
движения против него (1920-1930 гг.)..... 25

Ravshanova Gulara Payanovna

The Establishment of Soviet government in the Kashkadarya oasis and the armed
movement against it (1920-1930 yy.)..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 51

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАВШАНОВА ГУЛАРА ПАЯНОВНА

**ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ
ЎРНАТИЛИШИ ВА УНГА ҚАРШИ ҚУРОЛЛИ ҲАРАКАТ
(1920-1930 йиллар)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2020.2. PhD/Таг 677 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойланштирилган.

Илмий раҳбар: **Эргашева Юлдуз Алимовна**
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Шамсутдинов Рустамбек Темирович**
тарих фанлари доктори, профессор

Хушвақов Наби Олимович
тарих фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: **Термиз давлат университети**

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2021. Таг.70.05-рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил "18" 01 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz). Қарши давлат университети.

Докторлик диссертацияси билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (80 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил:180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.(0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил " 6 " 01 куни тарқатилди
(2022 йил " 6 " 01 даги 1 -рақамли реестр баённомаси).



Б.Ж.Эшов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси
т.ф.д., профессор

Н.Н.Ражабова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

М.Х.Тўрасва
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси муовини,
т.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги даврда дунё миқёсида кечаётган глобаллашув шароитида содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, турли доираларнинг манфаатли тўқнашувлари ва уларнинг юзага келиш сабабларини ўрганиш долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Сабаби дунёнинг бир қатор минтақаларида турли ғоя ва қарашларни мафкурага айлантириб, ҳукмрон бошқарув тизимларига қарши бир давлат ичида (ёки бир нечта) тартибсизликларни, ўзаро фуқаролик тўқнашувларини уюштириш ҳолатлари бугунги кунда ҳам давом этаяпти. Бундай муаммоларни ва юзага келиши мумкин бўлган нотинчликларни олдини олиш ва аҳоли хавфсизлигини кафолатлаш ҳар бир давлатнинг функционал вазифаларидан бири ҳисобланиб, бу жараёнда тарихий тажриба муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳоннинг қатор илмий-тадқиқот марказлари, ихтисослашган илмий муассаса ҳамда институтлари томонидан турли халқларнинг босқинчилар ҳукмронлигига қарши олиб борган кўзғолонлари, қаршилик ва халқ озодлик ҳаракатларининг мазмун-моҳияти, географик ҳудудлари, уларга раҳбарлик қилган шахсларнинг раҳнамолик қобилиятларини ёритиб берувчи тарихий ҳужжатлар ўрганилмоқда. Хусусан, ўлкада совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг, Ўрта Осиё ҳудудларида большевиклар ҳукмронлигига қарши амалга оширилган қаршилик ҳаракатлари, бу ҳаракатларни бостириш жараёнидаги мураккаб ва зиддиятли ҳолатлар ҳар томонлама тадқиқ этилмоқда. Ушбу тадқиқотларда эришилган натижалар юзасидан тегишли хулосалар чиқариш ҳамда назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда тарихий жараёнларни ҳолисона баҳолашга, жумладан, совет ҳокимияти ўрнатилишига қарши қуролли ҳаракатлар ва унинг тарихини ўрганишда янада кенг имкониятлар яратилди. Бунинг натижасида, тарихчи олимлар томонидан совет даври тарихига оид масалалар тадқиқ этилмоқда. Хусусан, ўтган асрнинг 20-йилларида Қашқадарё воҳасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши натижасида юзага келган истиқлолчилик ҳаракати бу ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларга бевосита таъсир ўтказиб, аҳолининг кундалик ҳаётидаги муаммоларни янада кескинлаштирдик, бу жараёнларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ўша даврдаги реал воқеликни тасаввур қилишда муҳим илмий аҳамият касб этади. Чунки, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “...буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 29.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2019 йил 5 январдаги 222-ХХ топшириғи асосида “Ўзбекистон тарихини ўрганиш ишларини самарали ташкил этиш”га қаратилган “Йўл харитаси”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги 936-сон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 июндаги 357-сон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасидаги қатағон қурбонлари хотираси музейлари ҳамда “шаҳидлар хотираси” жамоат фондини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорлар ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қашқадарё воҳасида ХХ асрнинг 20-30-йилларида ўрнатилган совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат тарихига оид илмий адабиёт ва тадқиқотларни даврига қараб туркумлаштирган ҳолда кўриб чиқилиб, қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилди: 1. *Совет даврида амалга оширилган тадқиқот ва нашр этилган асарлар.* 2. *Мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотлар.* 3. *Хорижлик муаллифларнинг асарлари.*

Совет даври тарихшунослиги бу мавзу компартия ва совет сиёсати мафкураси руҳида ёзилган асар ва мақолалардан иборат бўлиб, тарихий жараёнлар ва унинг мазмун-моҳиятини ёритиб беришда бир томонлама муносабат кўринади. Қашқадарё воҳасида вужудга келган қаршилик ҳаракати Фарғона водийси истиқлолчилик ҳаракатидан кейин, бевосита унинг давоми сифатида бир неча йилга чўзилган бу ҳудуддаги ҳаракатлар ҳам адабиётларда анча кенг ёритилган эди².

Шу ўринда қайд этиш керакки, Совет ҳукумати Бухоро амирлигининг ағдарилишини “ёзилган халқ иродаси” билан боғлаб, жаҳон афкор оммасида амирликка салбий фикр туғдириш йўлини тутган эди. Жумладан, 1968 йилда ёзилган бир адабиётда очикдан-очик “Бухоро меҳнаткашлари ўз халоскорларини (қизил армияни – Г.Р.) қувонч билан қарши олган эди”³, дейилади. Таниқли муаллифлардан бири эса “янги революцион Бухоро ўзини совет республикаси

² Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1968. – Б. 47; Ишанов А.И. Бухарская народная советская республика. – Ташкент: Узбекистан, 1969. – Б. 193; Хўжаев Ф. Танланган асарлар. I том. – Ташкент: Фан, 1976. – Б. 34, 233, 251.

³ Захаров С.М. Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1968. – Б. 47.

деб эълон қилди. Бухоронинг уч миллионли меҳнаткашлар оммаси тўнтаришни узоқ кутилган озодлик сифатида кутиб олди”⁴ – деган фикрни билдирган эди.

Маҳаллий тарихчилар ўз ҳудудларидаги истиқлол учун кураш тарихига кўпинча юзаки муносабатда бўлганлигини сезиш қийин эмас. Бу ўринда “Шаҳрисабз” номли китоб муаллифлари мазкур масала бўйича бор-йўғи мана бу фикр айтиш билан чекланганлар: “1920 йилнинг охирида шаҳарга яқинлашган ва қисман шаҳар чеккасигача етиб олган босмачи тўдаларини Шаҳрисабз меҳнаткашлари ўз партия ташкилотлари раҳбарлигида ва Қизил Армия бўлинмалари билан биргаликда уч кунлик қаттиқ жанглардан кейин тор-мор қилдилар”⁵.

Умуман олганда, совет даврида нашр этилган адабиётларда Қашқадарё воҳасида вужудга келган озодлик кураши – советларга қарши қуролли ҳаракатнинг мазмуни ва оқибати бирёқлама, коммунистик андоза талаби асосида ёритилган. Чунки, бундан бошқача фикрлаш, масаланинг асл маъно ва мазмунини холисона ёзиш, шарҳлаш мумкин эмас эди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганидан сўнг тарихни ҳаққоний ва холис равишда ёзишга киришилди, бу жараён негизида тадқиқ этилаётган мавзу тарихшунослигининг иккинчи даври бошланди. Мустақиллик йилларида тарихчилар томонидан янгича методологик услубда ёзилган асарлар асосида XX асрнинг 20-йилларида Қашқадарё вилоятидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, шунингдек, истиқлолчилик кураши тарихини очилмай қолган қирраларини тўлдириш имкониятига эга бўлинди. Мазкур мавзулар доирасида бир нечта диссертациялар ҳимоя қилинди ва монографиялар чоп этилди. Улар орасида Р.Шамсутдинов⁶, Қ.Ражабов⁷, Д.Зиёева⁸, С.Шадманова⁹,

⁴ Ишанов А.И. Бухарская народная советская республика. – Ташкент: Узбекистан, 1969. – Б. 193.

⁵ Захаров С.М., Ҳикматов Н. Шаҳрисабз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1979. – Б. 15.

⁶ Шамсутдинов Р. “Босмачилар” ким бўлган? // Фан ва турмуш. 1997. № 1. – Б. 22-23; Шамсутдинов Р. Фарғона кўрбошилари // Фан ва турмуш. 1997. – № 2. – Б. 24-25.

⁷ Ражабов Қ. Фарғона водийсида истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918-1924 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. – Тошкент, 1995; Шу муаллиф. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917-1935 йиллар). – Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Шу муаллиф. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. – Тошкент: Маънавият, 2002; Шу муаллиф. Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуролли ҳаракат (1918-1924 йиллар). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2005; Шу муаллиф. Мадаминбек. – Тошкент: Абу матбуот-консалт, 2011; Шу муаллиф. Шермухаммадбек. – Тошкент: Абу матбуот-консалт, 2011; Шу муаллиф. Ҳамро Полвон. – Тошкент: Абу матбуот-консалт, 2011; Шу муаллиф. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918-1924 йиллар). – Ташкент: Yangi nashr, 2015; Шу муаллиф. Вооруженное движение в Туркестане против советского режима (1918-1924). – Beau Bassin: LAP Lambert Academic Publishing, 2018. // <https://www.morebooks.de/store/ru>.

⁸ Зиёева Д. Туркистонда миллий озодлик ҳаракати XX аср тарихшунослигида (1916 йил кўзғолони ва 1918-1924 йил истиқлолчилик ҳаракатини ўрганиш муаммолари). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 1999; Шу муаллиф. Босмачилик: ҳақиқат ва уйдирма. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Шу муаллиф. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.

⁹ Шадманова С. Немис ва турк тарихшунослигида Туркистондаги 1917-1924 йилларда совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2002; Шу муаллиф. Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари (1917-1924 йиллар). – Тошкент: Абу матбуот-консалт, 2008.

Н.Норжигитова¹⁰, Д.Мўминов¹¹, корейс тадқиқотчиси Сё Енг Чел¹², Ф.Бобоевларнинг¹³ ишларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Шунингдек, коллектив монографиялар¹⁴ ҳамда Р.Шамсутдинов, Д.Алимова, Н.Мустафаева, Қ.Ражабов, У.Рашидов, Р.Ражапова, С.Аъзамхўжаев, Н.Назаров ва Р.Абдуллаев М.Ҳайдаровларнинг¹⁵ асарлари ва ўқув қўлланмаларида ҳам мавзуга оид баъзи масалалар баён этилган. Мазкур тадқиқотларда Ўзбекистон тарихининг мураккаб ва зиддиятли бўлган масалаларидан бири совет тузумига қарши олиб борилган қуролли ҳаракат тарихи ҳар қандай мафкурадан холи, бир ёқламаликдан воз кечган ҳолда, ҳолисона тарзда янги талқинда ўрганилган.

2019 йилда нашр этилган, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ва Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи методик марказ томонидан чиқарилган “Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб. 1917-1939 йиллар” асарида Қашқадарё воҳасида олиб борилган қаршилик ҳаракати ҳақида янги маълумотлар келтирилган¹⁶.

Мустақиллик йилларида маҳаллий тарихчилар томонидан вилоят туманлари, қишлоқлари тарихига бағишланган китоблар ҳам эълон қилинди¹⁷. Ватанимиз тарихини мустақиллик руҳида, илмий ҳолис ва ҳаққонийлик билан ёритиш, профессор Қаҳрамон Ражабов тўғри уқдирганидек, масалага

¹⁰ Норжигитова Н. Туркистонда “босмачилик ҳаракати” тарихшунослиги (совет даври). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 1995.

¹¹ Мўминов Д. Ўрта Бухоро ва Шарқий Бухорода қизил армияга қарши қуролли ҳаракат (1920–1926 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, 2010.

¹² Сё Енг Чел. Зарубежная историография повстанческого движения в Туркестане в 1918-1924 гг. (Напримере британо-американских и южнокорейских исследований). Автореф. дис. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 2003.

¹³ Бобоев Ф. Ўзбекистон ССРда совет тузумига қарши қуролли ҳаракат (1925-1935 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, 2018.

¹⁴ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р.Раджапова. – Ташкент: Шарк, 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: М. Жўраев. – Тошкент: Шарк, 2000.

¹⁵ Шамсутдинов Р. “Босмачилар” ким бўлган? // Фан ва турмуш. 1997. № 1. – Б. 22-23; Шамсутдинов Р. Фарғона кўрбошилари // Фан ва турмуш. 1997. – № 2. – Б. 24-25; Shamsutdinov R., Karimov Sh. “Vatan tarixi” // – Toshkent: Shaq, 2010; Шамсутдинов Р. “Ўзбекистон тарихи хорижий манбаларда” // Тошкент 2021. – Б. 303; Алимова Д., Голованов А. Ўзбекистон мустақил совет тузumi даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари (1917-1990 йиллар). – Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Алимова Д., Мустафаева Н., Ражабов Қ. Тарихга муурожаат ҳолисликни талаб этади // Ўзбекистон тарихи. 2004, № 3. – Б. 70-81; Алимова Д., Рашидов У. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухородаги сиёсий ҳаракатлар ва курашлар. – Бухоро, 2009; Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Тошкент: Маънавият, 2000; Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси. – Бухоро, 2003. Ҳайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти. – Тошкент: Абу матбуот консалт, 2012; Рашидов У. ва Рашидов Ў. Бухоронинг Россия билан иқтисодий ва сиёсий муносабатлари тарихидан (1900-1925 йй.). – Бухоро, 2013; Назаров Н. Мухаммад Иброҳимбек Лақай. 2-нашр. Серия «Рабочие документы ИФЕАК». Выпуск 24 (март 2007 г.). – Ташкент, 2007; Абдуллаев Р. Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 годы. – Toshkent: Adabiyot uchqunlari, 2016; Naydarov M. Turkiston ASSRda sovet boshqaruv tizimi: bosqichlari va mohiyati (1917-1924-yy.). – Toshkent: Yosh kuch, 2019.

¹⁶ Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Масъул муҳаррирлар: Абдуллаев Р., Рахимов М., Ражабов Қ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019.

¹⁷ Эргашев Э. Бешкент тарихи. – Қарши: Насаф, 2000; Ўша муаллиф. Бешкент тарихи. – Қарши: Насаф, 2005; Жўраев М. Майманогим – саждагоҳим. – Қарши: Насаф, 1997; Раҳматуллаев Т. Қўрғон савдоси. – Қарши: Насаф, 1999; Пармонов О., Бердиев А. Китоб тумани. – Қарши: Насаф, 1997; Гафуров Ф., Шоймардонов И., Тўхлиев Ж. Яккабоғ тумани. – Тошкент: Шарк, 1997; Исломов Ў. Нуқрабод ҳаёли. – Қарши: Насаф, 1997; Ҳакимов Н., Жўрақулов О. Шаҳрисабз тарихи. – Қарши: Насаф, 2001; Насриддинов Қ. Қарши қалъаси. – Қарши: Насаф, 2005; Пирматова Л. Гувалак тарихи. – Қарши: Насаф, 2016.

цивилизацион ёндашув¹⁸ концепцияси билан иш кўриш тажрибаси эгаллана бошланди.

Сўнгги йилларда хорижда мазкур масалага қисман алоқаси бор бўлган ҳужжат ва материаллар тўпламлари эълон қилиндики, улар ҳозирги Ўзбекистон тарихшунослигида ўз аксини топмай келаётган эди. Улардан бири Москвада 2008 йили нашр этилган кўп жилдли “Совершенно секретно”: Любянка – Сталину о положении в стране (1922-1934 гг.) асари¹⁹ ва бошқа адабиётларда²⁰ XX асрнинг 20-30-йилларида Қашқадарёдаги тарихий воқеаларнинг айрим қирраларини ифода этувчи ҳужжат ва материаллар ўрин олган. Ана шундай ҳужжатлар, материаллар, эсдаликлар мажмуасидан иборат таниқли давлат, жамоат арбоби Мустафо Чўқайнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган 12 жилдли китобда ҳам Ўзбекистон, жумладан, Қашқадарё вилоятига оид тарихий воқеалар қисман ёритилган²¹.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур тадқиқотларда XX асрнинг 20-30-йилларида Қашқадарёдаги қаршилик ҳаракати тўлиқ ўрганилмади. Хусусан, совет даврида яратилган асарларда муаммога ёндашув коммунистик мафқуранинг ғоявий таъсири остида бўлганлиги учун бу масалалар ўзининг холис талқинини топмаган. Ўзбекистонда мустақиллик даврида яратилган тадқиқотларда ҳам Қашқадарё воҳасида совет тузумига қарши олиб борилган ҳаракатлар тарихи етарли даражада ёритилмади. Бу эса ўз навбатида мазкур мавзунини махсус илмий тадқиқот сифатида танланишига имкон берди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 67-10/136 – “Маданий мерос – олий кадрият” (2020-2021 йй.) номли инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади Қашқадарё воҳасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва мустақамланишига қарши 1920-1930 йилларда олиб борилган қуролли ҳаракат тарихини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

– Қашқадарё воҳасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва мустақамланиши масалаларини таҳлил этиш;

– воҳада истиқлолчилик ҳаракатининг вужудга келиши сабабларини очиб бериш;

– уюшган қаршилик кўрсатиш ташкилотининг раҳбарлари, фаоллари, аъзолари, уларнинг мақсадлари, олиб борган жанглари, тақдирини аниқлаш ва умумлаштириш;

¹⁸ Ражабов Қ. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари. – Тошкент, 2015. – Б. 20.

¹⁹ “Совершенно секретно”: Любянка – Сталину о положении в стране (1922-1934 гг.). – М., 2008.

²⁰ Любянка. Органы ВЧК-ОГПУ-НКВД-НКГБ-МГБ-МВД-КГБ. 1917-1991. Справочник. Под ред. акад. А.Н.Яковлева. – М.: МФД, 2003; Шамбаров В. Окультурные корни Октябрьской революции. – М.: Алгоритм; Эксмо, 2006; Кожин В. Правда сталинских репрессий. – М.: Алгоритм; Эксмо, 2006; Голинков Д. Правда о врагах народа. – М.: Алгоритм, 2006; Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД документы и материалы. Том 2. 1923-1929. – М.: РОССПЭН, 2000. – С. 587.

²¹ Шоқай М. Шығармаларының толық жинағы. Он екі том. Жинаққа кіріше. Куреспен откен ғұмыр. – Алматы, 2012-2014.

– Қарши шаҳри, Яккабоғ ва Шаҳрисабзда 1920 йилнинг сентябрь ва декабрь ойлари оралиғида амалга оширилган оммавий қуролли кўзғолонларни тавсифлаш;

– Қашқадарё воҳасида “эл навкарлари” – мунтазам қуролли гуруҳларнинг тузилиши сабабларини кўрсатиб бериш;

– Қашқадарё воҳасида ҳаракатланган кўрбошилар фаолияти ва шахсиятини таҳлил қилиш;

– қуролли ҳаракат ва унинг таъминот тизимини аниқлаб бериш;

– советларга қарши йиллар давомида олиб борилган қуролли ҳаракатнинг мағлубияти сабабларини очиқ бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XX асрнинг 20-30-йилларида Қашқадарё воҳасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши воҳада олиб борган қуролли кураш тарихи танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети Қашқадарё вилоятида совет босқинига қарши олиб борилган қуролли ҳаракатнинг ҳарбий кучлари, раҳбарлари (кўрбошилар), кураш стратегияси ва тактикаси, истиқлолчилик ҳаракати қатнашчиларининг ижтимоий ва миллий таркиби, ўтказилган турли хил йиғилишларнинг мазмун-моҳияти ҳамда миллий озодлик ҳаракати қатнашчиларининг босиб ўтган ҳаёт йўли ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда хронологик кетма-кетлик, қиёсий таҳлил, тарихийлик тамойиллари, тизимли ёндашув каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

– Қашқадарё воҳасида совет ҳокимияти томонидан XX аср биринчи чорагида олиб борилган босқинчилик сиёсати ва амалиётига қарши маҳаллий аҳолини қуролли ҳаракати стихияли бўлмасдан, биринчи босқичда, совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши кураш, ағдарилган амирни тахтга тиклаш бўлганлиги, иккинчи босқичда (1923-1930 йиллар) қаршилиқ ҳаракати, айниқса, Қарши, Шаҳрисабз, Яккабоғ ҳудудларида, миллий озодлик кураши поғонасига кўтарилганлиги исботланган;

– умуммиллий озодлик ҳаракатларининг кучайишига катта ҳисса қўшган, воҳада “Аксинқилобий ташкилот”ни тузиш жараёни ва истиқлолчилик ҳаракатларида бевосита иштирок этган ватанпарварлар Тоғайбек, Нуриддин хожа оғолик, Мирза Наврўз Пўлатов, Эрка амин Дўстмуродов, Маҳмараимбек Абдусатторов, Абдурасулқулбек Абдусатторов, Мулло Тожиддин Салимов, Хўжаназар Инотуллаев, Хожа Абдулазиз Мулло Боқихўжаев, Мулло Неъмат Шодмоновларнинг номлари аниқлаштирилган;

– Қашқадарё воҳасидаги совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатидаги “Аксинқилобий ташкилот” фаолларининг катта қисми ўзига тўқ бойлар ва дин пешволари бўлиши билан бир пайтда, уларни совет ҳокимиятига хизмат қилган бир қатор маҳаллий раҳбарлар ҳамда аҳолининг барча қатламлари ҳам қўллаб-қувватлагани очиқ берилган;

– совет ҳукуматининг қуролли ҳаракат қатнашчилари ва уларнинг яқинларига қарши олиб борган сиёсий-ҳарбий тадбирлари, тарғиботи, қишлоқларда тинч аҳолига нисбатан жазо чораларини қўллаши (мол-мулки,

озик-овқат, ем-хашакнинг тортиб олинishi ва б.) каби ҳолатлар воҳадаги ижтимоий муаммоларни янада кескинлашувига сабаб бўлганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

– Қашқадарё воҳасида совет ҳокимиятининг ўрнатилишига қарши миллий озодлик ва мустақиллик учун маҳаллий аҳоли томонидан олиб борилган қуроли кураш ва унинг оқибатлари ҳақида маълумот берувчи кўплаб давлат архивлари фондлари ҳужжатлари илк бор илмий муомалага киритилган;

– истиқлол учун олиб борилган жанглarda қашқадарёликларнинг ватанпарварлиги ва матонати, шу билан бирга йўқотишлар, қурбонлар ва ҳаракат вакилларининг аянчли тақдири ҳақида ҳолисона ёритилган тадқиқот натижалари ҚарДУ тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи фондларини янги маълумотлар билан мазмунан бойитишга хизмат қилган;

– Қашқадарё воҳасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва мустақамланишига қарши қуроли кураш тарихи Ватан тарихшунослигида илк бор 1920-1930 йиллар доирасида тадқиқ этилиб, илмий изланишлар бўйича хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда тарих фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, катта ҳажмдаги архив ҳужжатлари, мавзуга оид кўплаб илмий адабиётлардан фойдаланилгани, уларнинг аксарияти бирламчи манбаларга асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистоннинг совет давридаги сохталаштирилган тарихидаги нуқсон ва хатоларни исботловчи янги манба ва материаллар биринчи бор илмий истеъмолга киритилганлиги, XX асрнинг 20-30-йилларида Қашқадарё вилоятида зўравонлик билан совет тузумининг ўрнатилиши ва унга қарши халқ оммасининг олиб борган қаҳрамонона кураши, большевиклар ғояси, сиёсати ва амалиётига қарши норозилик ва қуроли ҳаракати, бу ҳаракатнинг йўлбошчилари, қўрбошилари, оддий иштирокчиларининг фаолияти, фожиали тақдири тўғрисидаги илмий-назарий билимларни янада чуқурлаштириш ҳамда илмий хулосаларни амалиётга жорий этишда асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган илмий хулосалар ва амалий тавсиялар республика олий ўқув юртларида Ўзбекистон тарихи фани бўйича тармоқли махсус курслар ташкил этиш, ўқув қўлланмалари, дарсликлар, монографик тадқиқотлар тайёрлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қашқадарё воҳасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши қуроли ҳаракат (1920-1930) тарихи бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

– Қашқадарё воҳасида совет ҳокимияти томонидан XX аср биринчи чорагида олиб борилган босқинчилик сиёсати ва амалиётига қарши маҳаллий аҳолини қуроли ҳаракати стихияли бўлмасдан, биринчи босқичда, совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши кураш, ағдарилган амирни тахтга тиклаш бўлганлиги, иккинчи босқичда (1923-1930 йиллар) қаршилик

ҳаракати айниқса, Қарши, Шаҳрисабз, Яккабоғ ҳудудларида миллий озодлик кураши поғонасига кўтарилганлиги, маҳаллий халқ ичидан етишиб чиққан омма етакчилари ва умуммиллий озодлик ҳаракатларининг кучайишига катта ҳисса қўшган, воҳада “Аксиланқилобий ташкилот”ни тузиш жараёни ва истиқлолчилик ҳаракатларида бевосита иштирок этган ватанпарварлар Тоғайбек, Нуриддин хожа оғолик, Мирза Наврўз Пўлатов, Эрка амин Дўстмуродов, Маҳмараимбек Абдусатторов, Абдурасулқулбек Абдусатторов, Мулло Тожиддин Салимов ва бошқаларни душманга қарши олиб борган озодлик курашига оид материаллар Қашқадарё тарихи ва маданияти давлат музейи, Қарши давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотира музейини янги ҳужжат ва материаллар билан бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси Давлат музейининг 2021 йил 28 октябрдаги 208-сон маълумотномаси). Натижада Қашқадарё воҳасида совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатнинг бошланиши ва мағлубиятга учраш сабабларини асослаш ҳамда бу жараёнда фаол иштирок этган шахсларнинг ҳаёт фаолиятини кўрсатиб бериш имконини берган;

– Қашқадарё воҳасидаги совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатидаги “Аксиланқилобий ташкилот” фаолларининг катта қисми ўзига тўқ бойлар ва дин пешволари бўлиши билан бир пайтда, уларни совет ҳокимиятига хизмат қилган бир қатор маҳаллий раҳбарлар ҳамда аҳолининг барча қатламлари ҳам қўллаб-қувватлаганига оид илмий натижалардан 2020-2021 йилларда яқунланган 67-10/136 “Маданий мерос – энг олий кадрият” давлат грантида ишлатилган (Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилоят муассасасининг 2021 йил 22-ноябрь 28-сон маълумотномаси). Натижаларни амалиётга қўллаш қаршилиқ ҳаракати аъзоларининг фаолияти ҳақидаги янги ва қизиқарли маълумотларни ажратиб кўрсатиш имкониятини яратган;

– Қашқадарё воҳасида 1920-1930 йилларда миллий-сиёсий озодлик ҳаракатига бошчилик қилган “Аксиланқилобий ташкилот” ва унинг фаолияти, кўрбошилар ва уларнинг жасоратлари, қаҳрамонликлари, фожиали тақдирлари, совет ҳукуматининг қуролли ҳаракат қатнашчилари ва уларнинг яқинларига қарши олиб борган сиёсий-ҳарбий тадбирлари, тарғиботи, қишлоқларда тинч аҳолига нисбатан жазо чораларини қўллаши (мол-мулки, озиқ-овқат, ем-хашакнинг тортиб олиниши ва б.) каби ҳолатлар воҳадаги ижтимоий муаммоларнинг янада кескинлашувига сабаб бўлганлигига доир илмий хулосалардан Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг “Мозийдан садо” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда, шунингдек, “Мунозара” номли радио эшиттириши сценарийсини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (МТРК)нинг 2021 йил 11 ноябрдаги 04-15/2164-сон маълумотномаси). Бу тақдим этилган материаллар ушбу телекўрсатув ва эшиттиришларни мазмуни бойитишга ҳамда телетомошабинлар тасаввурларини кенгайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий мазмуни ва натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 3 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг тадқиқот қисми 125 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблигига асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Шунингдек, тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатиб берилган. Бундан ташқари, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилади.

Диссертациянинг **“Қашқадарё воҳасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши истиқлолчилик ҳаракатининг вужудга келиши”** деб номланган биринчи бобда Қашқадарё воҳасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши кўтарилган курулди ҳаракатининг вужудга келиши ва моҳияти, ҳудудий жиҳатлари, курашнинг асосий марказлари, турли ҳаракатлантирувчи кучлари ҳамда ижтимоий таркиби очиб берилган.

1917 йилда Фарғона водийси ва Самарқанд ҳудудларида большевиклар ҳукмронлиги ўрнатилганидан сўнг, уруш хавфи муқаррарлигини англаб етган амирлик ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жуда қийин шароитда бўлишига қарамай бутун кучини мудофаага қаратган эди.

1920 йилнинг 12 августида М.В.Фрунзе амирликни тугатиш мақсадида Самарқанд-Бухоро фронтини тузишга буйруқ берган. Шу тариқа пойтахт Бухоро шаҳри атрофига 70 000 пиёда, 25000 отлиқ аскар, 46 та тўп, 230 та пулемёт, 10 та броневтомобиль, 5 та бронепоезд ва 12 та аэроплан (ҳарбий самолёт) шай ҳолга келтириб қўйилди²². Бухоро ҳукумати ихтиёрида эса 8725 пиёда аскар (асосан навкарлар) ва 7850 отлиқ сарбозлар, фақат 150 га яқин эски пилта тўплар, бир неча ўнлаб замонавий тўплар, 20 та пулемёт бўлган. Шунингдек, амирликнинг мунтазам кўшинидан ташқари, жуда ҳам ёмон курулланган 20 000 нафар халқ лашкари ҳам бўлиб, улар жангларга тайёр эмас эди.

М.В.Фрунзе Туркистон fronti кўшинларини тўртта зарбдор гуруҳ (Самарқанд, Каттакўрғон, Чоржўй ва Когон)га ажратган. Самарқанд гуруҳи

²² Шуни қайд этиш жоизки, Туркистон fronti жангчиларидан ташқари, кейинчалик ҳарбий амалиётларда 5000 кишидан иборат бухоролик кўзғолончилар гуруҳи (амирга қарши муҳолифат кучлари) ҳам қатнашди. Бироқ сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, аслида М.В.Фрунзе кўмондонлигидаги 70000 нафар қизил аскарлар Бухоро амирлиги ҳудудига ҳужум қилганлар.

29-30 августда Шаҳрисабз-Китоб йўналиши бўйлаб ҳаракат қилиб, Қарши ва Ғузorni эгаллаши лозим эди. Асосий вазифа Когон гуруҳи зиммасига юкланди. У Эски Бухоро шаҳрини босиб олиши, Амир Олимхонни асирга тушириши ва Арки олийдаги хазинани эгаллаши керак эди”²³.

Тарихий адабиётларда советларнинг 1-сонли Туркистон отлик дивизияси қизил аскарлари 1920 йил 28 августда Тахти Қорача довонидан ўтиб, амир сарбозлари билан жангга киришган. Бу тенгсиз жангларда Китоб ва Шаҳрисабз шаҳарларини қизил армия жангчилари босиб олишга эришади. Шунингдек, Яккабоғ, Чироқчи, Ғузор ва Қарши ҳудудлари ҳам душман қўлига ўтади. Шундай ҳолатда Амир Олимхон Бухорони душман қўлига бермаслик учун Шарқий Бухорода мустаҳкам мудофаа жангларини олиб борган эди. Ўртада кучли жанг бўлиб ўтади. Шундан сўнг, Шарқий Бухорода мудофаа истехкомларини мустаҳкамлаш ва душман билан юзма-юз уруш олиб бориш мақсадида Қарши шаҳрига тушиб ўтмоқчи бўлади. Қизил армия кучлари амирни Қаршида бир неча кун қолишига имкон бермайди. Бухорони забт этган большевиклар унинг изидан тушиб, Қаршига етиб келиши мумкин эди. Шу боис, Амир Олимхон Қаршининг Ҳарамсаройида шошилиш тарзда икки марта йиғилиш ўтказган эди²⁴.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ДСБ (ГПУ) (Давлат сиёсий бошқарма)²⁵ тергов бўлими раҳбари Д.М.Елифанов томонидан воҳада вужудга келган “Аксиланкилобий ташкилот”нинг аъзоларининг “жиноий фаолияти” шарҳлаб берилган бўлиб, ана шу “Жиноий иш”да Амир Саййид Олимхонни пойтахтдан чиқиб кетган кундан бошлаб 1926 йил баҳоригача бўлган давр тарихига оид жуда қимматли материаллар сақланиб қолинган. Тадқиқотда мазкур ҳужжат ва материаллардан танқидий фойдаланилган. Ўша шарҳда: “Шарқдаги инқилобий воқеа-ҳодисаларнинг умумий йўналиши 1917 йилдаги улуғ Октябрь инқилобининг акс-садоси ўлароқ, Ёш бухороликларнинг инқилобий ҳаракати мисолида халқнинг зиёлилар қатламини қамраб ола бошлайди. “Ёш бухороликлар” асрлар давомида Шарқ халқларини эзиб келган амирликка, унинг зулмини амалга ошириб келган амалдорларга, бойларга, руҳонийларга қарши борди. Бу келгиндилар ўзларини тўла ҳуқуқли идора этувчилар ҳисоблаб, жаҳолатда қолган деҳқонлар оммасини аёвсиз ишлатиб, улар ҳисобидан йирик хўжалик ва улкан бойликларга эга бўлдилар. ... Мафқурасига кўра ашаддий монархистлар бўлган, амирлик ҳимоячилари Мирза Наврўз Пўлатов, Эрка амин Дўстмуродов, Муҳаммад Раҳим Абдусатторов Абдурасулқулбек Абдусатторов, Мулло Тожиддин Салимов, Хўжаназар Иноятуллаев, Ҳожи Абдулазиз мулло Боқихўжаев ва Мулло Неъмат Шодмоновлар 1919-1920 йилларда Қарши беги Тоғайбек (ҳозирги Афғонистон ҳудудида) ва Қарши Оғолиғи Нуриддинхўжа (ўзининг аксиланкилобий фаолияти туфайли отилган) раҳбарлигида Қарши шаҳрида “Аксиланкилобий

²³ Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб. Масъул муҳаррирлар: Абдуллаев Р., Раҳимов М., Ражабов Қ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 126-129.

²⁴ Қашқадарё вилоят давлат архиви, 172-фонд, 2-рўйхат, 13-иш, 3-варак.

²⁵ ДСБ (Давлат сиёсий бошқарма) Совет давлатининг жазо органи (ГПУ – Государственное политическое управление) 1922 йилда тузилган.

ташкилот” тузганлар. Бу ташкилотнинг асосий вазифаларидан бири “Ёш бухороликлар”нинг инқилобий ҳаракатига барҳам бериш бўлган. Қачонки, Бухорода амир тахтдан қулагач, ташкилот совет ҳокимиятини ағдариб ташлашни ягона мақсад қилиб қўйган ва Афғонистонга қочиб кетган амирни яна Бухорога қайтариш ҳаракатини бошлаб берган” – деган мазмундаги маълумотлар келтирилган.

Бухорода амирлик қулагандан сўнг, Амир Саййид Олимхон Қарши шаҳридан паноҳ топади. Амирни “Аксилінқилобий ташкилот” аъзолари қизгин кутиб олган. Қарши шаҳрига қизил армиянинг бостириб кириши билан “Аксилінқилобий ташкилот” воҳа аҳолиси ўртасида қуролли қўзғолон кўтариш ҳақидаги ташвиқотларни кучайтиради. Шунингдек, Қарши шаҳрини ўзида “Ёш бухороликлар”нинг инқилобий арбоблари қамоққа олинади, айримлари (Маҳмудхўжа Бехбудий) ўлдирилади²⁶.

Ҳужжатда ДСБ (ГПУ) Қашқадарё бўлими ходими Д.М.Епифановнинг Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ўлдирилишига доир бу маълумотига муносабат²⁷ билдирилган ва шарҳланган. Таниқли маърифатпарварнинг ҳаёт йўли ҳақидаги бир-бирини инкор этувчи қарашларга, шу тариқа, ДСБ (ГПУ) ҳужжати асосида аниқлик киритилди, дейиш мумкин.

“Аксилінқилобий ташкилот” томонидан 1920 йилнинг 7-12 сентябрь кунлари Қарши шаҳрида совет ҳокимиятини ағдариб ташлаш ва амир Саййид Олимхонни тахтга қайтаришни мақсад қилган қуролли исён амалга оширилади. Манбада “Аксилінқилобий ташкилот”нинг совет ҳокимияти ўрнатилишига қарши етказилган зарарларни санаб ўтилади. Бу ерда муҳим жиҳат, Қашқадарё худудида қаршилиқ ташкилоти 1919-1920 йиллардаёқ тузилганлиги, ҳали Бухорода амир тахтда турганида, ташкилот “Ёш бухороликлар” ва большевикларнинг ҳужум қилишига тайёр турганлиги билан боғлиқдир. ДСБ (ГПУ) “Аксилінқилобий ташкилот” деб ном берган, амир Саййид Олимхон розилиги билан вужудга келган қаршилиқ ҳаракати Қарши беклиги ҳокими Тоғайбек ва Нуриддин хожа оғолиқ томонидан тузилади. ДСБ Қашқадарё бўлими ходимининг “Аксилінқилобий ташкилот” ҳақидаги шарҳидан англашиладики, ташкилотнинг ядроси Қашқадарё воҳасининг амирликда қўзга кўринган амалдорлари, бойлари, саркардалари, руҳонийларидан иборат бўлган. Кейинчалик ташкилотнинг қамоққа олинган фаоллари берган кўрсатмалардан аниқ бўлишича, Тоғайбек амир Саййид Олимхон билан Афғонистонга кетганидан сўнг, ташкилот ишини унинг ўрнида қолган Нуриддин хожа оғолиқ бошқаради. Қўзғолон ташкилотчиларидан бўлган Шарофбой мирохур Ҳабибуллаев ва Муфти Нусратулло хўжа ҳам, гувоҳлар далолатича, “Аксилінқилобий ташкилот”нинг асосий раҳбарларидан ҳисобланган. 1920 йилнинг сентябри бошида Қарши шаҳрида совет ҳокимияти ўрнатилишига қарши исённи тайёрлаш ва уни амалга оширишда Мирзо Наврўз Пўлатов, Эрка амин Дўстмуродов, Хўжаназар Иноятуллаев, Маҳмарайимбек ва Абдурасулқулбек Абдусатторовлар, Ҳожи Абдулазиз мулло Боқихўжаев,

²⁶ Қашқадарё ВДА, 172-фонд, 2-рўйхат, 13 (20)-иш, 1-2-варақлар. (Епифанов Д.М. Жинойт ҳақида умумий ҳолат).

²⁷ Равшанов П. Бехбудийнинг сўнгги кунлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2008. – №.38 (3966).

мулло Неъмат Шодмоновлар фаол иштирок этадилар. “Аксинкилобий ташкилот”га қарши кўрсатма берган гувоҳ Хайдар Ёдгоров, исёнга бошчилик қилганлардан Аҳрорбек, Мамашо Дониёров, Музаффар хожи Ҳотамхўжаевлар²⁸ номларини ҳам тилга олиб ўтади.

“Аксинкилобий ташкилот” ишидан 1920-йиллар бошида Қашқадарё округи ревкоми раиси бўлиб ишлаган Саид Аҳмад Эшонхўжаев, (Саид Аҳмаджон махсум) ҳам хабардор бўлган. Кўрсатмалардан маълум бўладики, Саид Аҳмад “Аксинкилобий ташкилот”нинг йиғилишларида қатнашиб, ҳатто совет тузумига қарши ҳаракатда ёрдам ва йўл-йўриқлар ҳам кўрсатиб турган. 1922 йилда унинг изидан ДСБ (ГПУ) ходимлари тушади ва вазифасидан бўшатилиб, Бухорога бадарға²⁹ (ҳибсга олиниб) қилинади.

Расмий жиҳатдан “Аксинкилобий ташкилот” исёни бостирилган бўлса-да, кураш тўхтамаган эди. Бу ҳақда манбада келтирилган қуйидаги фикри аҳамиятлидир: “Қўзғолон кўтарганлар қизил армия қисмлари билан биринчи тўқнашувда мағлубиятга учраган, ғалаён раҳбарлари қизил армия билан исён воситасида курашиб бўлмаслигини, у билан худди қизил армия қисмларидек бўлимлар тузиб курашиш кераклигини англаб этадилар. Натижада, улар бошлаган ишларини қўйиб, Бухоро амирининг Афғонистонга қочишига кўмак бердилар, кейин ундан совет ҳокимиятига қарши келгусида қандай кураш олиб бориш ҳақидаги кўрсатмаларни олдилар”³⁰.

Хуллас, Қашқадарё худудида қаршилик ташкилоти 1919-1920 йиллардаёқ, ҳали Бухорода амир тахтда турганида, амир Саййид Олимхон розилиги билан вужудга келган бўлиб, ҳаракат Қарши беклиги ҳокими Тоғайбек ва Нуриддин хожа оғолик томонидан тузилади. Ташкилот фаолияти “Ёш бухороликлар” ва большевикларнинг хужум қилишига тайёр турганлиги боис, ДСБ (ГПУ) унга “Аксинкилобий ташкилот” деб ном берган эди. Ташкилот аввал “Ёш бухороликлар”нинг инкилобий ҳаракатига барҳам бериш вазифасини қўйган бўлса, кейинчалик, Бухорода амир ҳокимияти тугатилганидан сўнг совет ҳокимиятини ағдаришни мақсад қилиб олади.

Диссертациянинг **“Совет ҳокимиятига қарши “Аксинкилобий ташкилот”нинг тузилиши ва истиқлолчилик ҳаракати”** деб номланган иккинчи бобида ташкилотнинг мақсади, раҳбарлари ва фаолияти, қуролли ҳаракатнинг таъминоти масалалари таҳлили ва тадқиқ этишга бағишланган.

Бухоро амири Афғонистонга кетганидан кейин Қашқадарё вилоятида кўзга кўринган амалдорлар, руҳонийлар ва йирик мулкдорлар – бойлар гуруҳлари камайиб кетган бўлиб, қаршилик ҳаракати тўдалари ҳали мустаҳкам ташкилот раҳбариятга эга эмасди. Шу сабабли, улар дастлабки пайтларда кенг қамровли ҳаракатлар олиб бора олмаганди.

Шундай бўлсада, худудда қолган амалдор ва руҳонийлар ҳали унчалик мустаҳкамланмаган совет ҳокимиятига қарши ҳаракат тайёргарлигини кўраётган эдилар. Биринчи йили (1920) уларнинг кенг фаолияти кузатилмайди, лекин иккинчи йилда, яъни 1921 йилнинг охирлари – 1922 йил бошларида

²⁸ Қашқадарё ВДА, 172-фонд, 2-рўйхат, 13 (20)-иш, 162-варак.

²⁹ Қашқадарё ВДА, 172-фонд, 2-рўйхат, 13 (20)-иш, 173-варак.

³⁰ Қашқадарё ВДА, 172-фонд, 2-рўйхат, 13 (20)-иш, 4-варак.

вилоят сарҳадида, асосан Шаҳрисабз ва Ғузор уездларида Жабборбек, Дониёрбек ва уларга тобе бўлган кичик кўрбошиларнинг уюшган “босмачи” гуруҳлари пайдо бўла бошлади.

Уларнинг ташкил топиши Афғонистонда муҳожирликда бўлган Амир ва унинг амалдорлари фаоллари билан ўрнатилган алоқанинг натижаси эди. Шу тариқа босмачилик муайян ташкилот тусини олди. 1922 йилда Косон шахрининг бир қатор масъул ходимлари ўзлари билан Косон шаҳри ва туманидан 250 га яқин кишини эргаштириб, советларга қарши ҳаракатларда иштирок этиш учун “босмачилар” сафидан ўрин олдилар. Улардан Турди тўқсоба, Гул оқсоқол (шу вақтда туман милиция бошлиғи бўлиб ишлаган)³¹, Баҳромбойвачча – Косон ижроия кўмитасининг раиси, мулла Насруллобек, мулла Мавлонбек ва бошқалар “босмачилар” томонига қўлидаги қуроли билан ўтишди (уларда 300 тага яқин винтовка бўлган). Жуда қисқа муддатда фақатгина Косон уездида “босмачилар” сони 1000 кишига етган бўлиб, уларнинг ярмидан кўпроғи қуролланган эди. 1924 йилнинг бошларига қадар “босмачилар” сони деярли ўзгаришсиз қолди ва улар қизил армия қисмлари билан фаол жанглар олиб бордилар.

Юқорида кўрсатилган йилларда ҳаракат бошлиқлари ва алоҳида кучли “босмачи” тўдалари кўрбошилар – Жабборбек, Дониёрбек, Авлиёқулбек, Бозорбек, Турди тўқсоба, Тангри Берди додхоҳ, мулла Абдурахмонбек, Эшкул додхоҳ, мулла Жума қоравулбеги, Жума қоравулбеги, Тўра Манқабек, Баҳромбойвачча, мулла Абдурозикбек, Мавлонбеклар бўлишган. Булардан ташқари нисбатан кичикроқ, мустақил ҳаракат қилиши билан танилган жуда кўп кўрбошилар ҳам бор эди.

Шу ўринда қайд этиш муҳимки, аҳолининг катта қисми қаршилик ҳаракати томонида бўлиб, ҳарбий қисмларга моддий ёрдам кўрсатиш ва маълумотлар беришдан тамомила бўйин товлашарди. Ва аксинча, улар “босмачи” тўдаларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилишарди.

Айрим туманларда советлаштириш юзасидан олиб борилган тарғибот ишлари самарасиз қолиб, амалдорлар, руҳонийлар ва бойлар қаршилигига дуч келарди. Сабаби халқ “босмачиларни” “исломнинг миллий қўшинлари” деб биларди³².

ДСБ (ГПУ) Қашқадарё вилоят бўлими ходимлари томонидан тайёрланган расмий ҳужжат 1920-йилларда воҳада истиқлолчилик ҳаракатининг вужудга келиши билан боғлиқ масалаларни маълум даражада ойдинлаштиради.

Унда кўрсатилишича, 1926 йил март ойида ДСБ (ГПУ) қўшинлари қуролли ҳаракат қатнашчиларини бостириш давомида истиқлол курашчиларининг тирик қолган раҳбарлари қўлга олинадилар ва қамоққа ташланадилар. Д.М.Епифанов бу ҳақда жиноий ишга ёзган 10 бетлик шарҳи ва 663 бетлик тергов материаллари тўпламида Қашқадарё воҳасида вужудга келган қаршилик ҳаракати тарихини аниқлаштиришга интилади.

³¹ Бу даврда милиция ходимларининг “босмачилар” томонига ўтиб кетиш ҳолатлари ўлканинг бошқа ҳудудларида ҳам кузатилган. Бу ҳақда батафсил қаранг: Ерметов А. Туркистонда назорат органлари фаолияти. – Тошкент: Абу матбуот консалт, 2007. – Б. 74.

³² Қашқадарё вилоят ҳокимлиги архиви, 34-фонд, 1-рўйхат, 242-иш, 26-27-варақлар.

Ушбу шарҳда қайд этилишича, “Шарқдаги инқилобий воқеа-ҳодисаларнинг умумий йўналиши 1917 йилдаги Октябрь инқилобининг акс-садоси остида, “Ёш бухороликлар”нинг инқилобий ҳаракати мисолида халқнинг зиёлилар қатламини қамраб ола бошлагани, амирликнинг садоқатли аъёнлари Шарқда кучая бораётган революциядан хавфга тушиб қолганлиги, мафкуравий жиҳатдан ашаддий монархистлардан бўлган амирлик ҳимоячиларидан Мирзо Наврўз Пўлатов, Эрка амин Дўстмуродов, Маҳмарайимбек ва Абдурасулкулбек Абдусатторовлар, мулло Тожиддин Салимов, Хўжаназар Иноятуллаев, ҳожи Абдулазиз Мулло Боқиҳўжаев, мулло Неъмат Шодмоновлар 1919-1920 йилларда Қарши беги Тоғайбек ва Қарши Оғолиғи³³ Нуриддинхўжа раҳбарлигида Қарши шаҳрида “Контрреволюцион ташкилот” (“Аксинқилобий ташкилот”) туздилар. “Аксинқилобий ташкилот” аъзолари сони 70 нафарга етади.

Шунингдек, ҳужжатда “мазкур ташкилот ўз олдига “Ёш бухороликлар”нинг революцион ҳаракатига барҳам беришни, Бухорода Амир тахтдан қулагач, “Ташкилот совет ҳокимиятини ағдариб ташлашни ягона мақсад қилиб қўйгани ҳамда Афғонистонга ўтиб кетган Амирни қайтариш ҳаракатини бошлаб юборганлиги” – ҳақидаги маълумотлар ҳам келтирилган.

Бу даврда “Аксинқилобий ташкилот” томонидан тузилган қуролли гуруҳлар сони 40 дан ошиқ бўлиб, улар таркибида 17 минг эл навкарлари фаолият юритган эди. Қаршилиқ ҳаракатлари ҳақида Бухоро халқ совет республикаси нозирлари кенгаши раиси Файзулла Хўжаев: “1921 йилнинг охирида босмачилик шу қадар кенгайиб кетдики, босмачилиқ ҳаракатининг раҳбарлари Фарғона ва Туркистоннинг бошқа қисмларидаги босмачиларнинг хатто энг ашаддий кўрбошилари ҳам қилмаган қабихликларни қилиш даражасига бориб етдилар. Босмачилиқ ҳаракатининг раҳбарлари очикдан-очик сиёсий талаблар қўйиш даражасига бориб етдилар”³⁴ – деган эди.

Ҳақиқатдан ҳам бу даврда қаршилиқ ҳаракати оммавий тус олган эди. Масалан, ДСБ (ГПУ)нинг Қашқадарё округ бўлими махфий маълумотномасида Косон тумани ижроқўми, милиция бошлиғи ва маорифчилари босмачилар бўлиб чиққанлиги – қайд этилган³⁵. Хусусан, Косон тумани ижроия қўмитаси раиси муовини вазифасида ишлаган Турди тўқсоба Эштўхтар ўғли Косонга яқин Майманоқ тоғида қўл остидаги 600 жигити (йигити)³⁶ билан совет ҳокимиятига қарши курашишга қасамёд қилган, вилоят милицияси бошлиғи эса 180 та қуролланган милиционерлар билан босмачилар томонига ўтиб кетган.

1921 йилда мунтазам қуролли гуруҳлар тузган кўрбошилар орасида Тангри Берди додхоҳ, Эшқул додхоҳ, Дониёрбек, Авлиёкулбек, Бозорбек, Мавлонбек, Мулла Абдурахмонбек, Мулла Жума қоравулбеги, Гул оқсоқол (Косон тумани ижроқўми раиси), Эшонкул Турсун (деҳқон), Баҳромбойвачча,

³³ Оғолик мансаби Бухоро амирлигида Қарши, Чоржўй, Шаҳрисабз ва Китоб бекликларида амалда бўлиб, бек ва эл муносабатида восита мақоми ҳисобланарди.

³⁴ Хўжаев Ф. Танланган асарлар Том 1. – Ташкент: Фан, 1976. – Б. 247.

³⁵ Қашқадарё ВДА, 172-фонд, 2-рўйхат, 13 (20)-иш, 62-варак.

³⁶ Қашқадарё ВДА, 172-фонд, 2-рўйхат, 13 (20)-иш, 358-варак.

Мулла Абдурозик Хўжанди, Мулла Абдусаттор Тўрабой, Мулла Муҳаммад Тўрабой, Мулла Муҳаммад Али, Очилбек, Холикулбек, Баҳромбек, Хўжамкул, Қодир полвон, Жабборбек, Шайман мирохур, Назарбеклар ҳаракат доираси ва йигитлари сони (250 дан 500 гача) жиҳатидан алоҳида ажралиб турган.

Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Г.Я.Вейде тузган хужжат билан танишиш Турди тўқсоба лашкари таъминоти учун ўзига хос ечим топганини кўрсатади. Хужжатда Турди тўқсоба гуруҳининг милиция томонидан аниқланган таъминотчилар рўйхати келтирилган. Рўйхатдаги таъминотчилар Косон туманининг турли қишлоқларидан бўлиб, бойлар, амалдорлар, ўзига тўқ кишилар эди. Уларнинг ҳар бири вазифаси аниқ бўлган. Бири қурол-яроқ, иккинчиси озиқ-овқат, бошқалари ем-хашак, кийим-кечак, от-улов етказиб берган. Бу тартиб “Аксиланқилобий ташкилот” фаолияти билан боғлиқ эди.

Г.Я.Вейде хужжатида қирқдан ошиқ таъминотчи исм-фамилияси ўрин олган бўлиб, уларнинг айримларини: Мулло Турсун Абдухалилов³⁷, Эшқувват Холматов³⁸, Раҳмон Санақул Арбобов³⁹, Узок Муҳаммад Алиев,⁴⁰ Абдулла Набиев⁴¹, Бойқора Муҳаммадиев⁴², Тўрақул Рўзиев⁴³, Мулло Худоёр Доноев⁴⁴, Саманкул Жўраев⁴⁵, Мулла Мейли Хўжамуродов⁴⁶, Эргаш Қорамуродов⁴⁷, Маҳмуд Хидирназаров⁴⁸, Нуралиевлар⁴⁹ ва бошқаларни⁵⁰ алоҳида кўрсатиш мумкин⁵¹.

